

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУД ТИЗИМИДА МАЪМУРИЙ СУДЛОВ ИШИ ЮРИТИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Шарипов Акрамжон Қурбонович

Мустақил тадқиқотчи

akram.bazarov.92@mail.ru

ID orcid.org/0000-0001-7267-2250

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2017-6-6-9>

Мазкур илмий-мақолада Ўзбекистон Республикасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни амалиётда қўллашнинг ҳамда маъмурий судловнинг айрим муаммолари кўриб чиқилган бўлиб, амалдаги Кодекснинг баъзи нормалари бошқа қонунлар билан қиёсий-таҳлил қилинган ва юридик таҳлил натижасида уларнинг амалиёт билан номувофиқлиги мисолларда келтирилган. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг моддаларини такомиллаштириш зарурати муаллиф томонидан илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилган ҳамда ўз навбатида, ушбу Кодексга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар берилган. Шунингдек, кутилаётган ижобий натижалар баён этилган.

Калит сўзлар: маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, маъмурий суд, ўзгартиш, қўшимча.

ОТДЕЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ АДМИНИСТРАТИВНОГО СУДОПРОИЗВОДСТВА В СУДЕБНОЙ СИСТЕМЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

В данной статье рассмотрены проблемы судопроизводство административного взыскания и практики законоприменения Кодекса об административного ответственности Республики Узбекистан. Критически проанализированы нынешние нормы Кодекса с другими законами и в результате юридического анализа определены на примере несоответствие их с правовой практикой. Выявлена и обоснована необходимость усовершенствование норм Кодекса об административного ответственности Республики Узбекистан. На основе проведенного исследования автором предлагается ввести данному Кодексу соответствующие изменение и дополнение, дается их характерные особенности и ожидаемые положительные результаты.

Ключевые слова: кодекса об административного ответственности, административный суд, изменение, дополнение.

ISSUES OF ADMINISTRATIVE LEGAL PROCEEDINGS IN THE JUDICIAL SYSTEM OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

This article deals with the problems of an administrative penalty proceedings and practices of enforcing Code of Administrative Responsibility of the Republic of Uzbekistan. Critically analyze the current rules of the Code and other laws as a result of a legal analysis determined by the examples of their inconsistency with the legal practice. The necessity to improve the norms of the Code on Administrative Liability of the Republic of Uzbekistan has been identified and substantiated. On the basis of the study author invited to enter this Code relevant amendments, gave their characteristics and the expected positive results.

Keywords: code of administrative responsibility, administrative court, amendment.

Ҳуқуқ соҳалари ичида маъмурий ҳуқуқ ўзининг кўп тармоқли ва мураккаб процедурали эканлиги билан бошқа ҳуқуқ соҳаларидан ажралиб туради. Хусусан, маъмурий ҳуқуқнинг ажралмас қисми ҳисобланмиш маъмурий жавобгарлик ҳамда маъмурий процессуал судлов иши юритиш ҳам бундан мустасно эмас.

Аввалам бор, ушбу масалаларга тўхталишдан олдин, бу тушунчаларнинг моҳиятини янада теранроқ англаш учун уларга таъриф бериш мақсадга мувофиқдир.

Жумладан, “маъмурий жавобгарлик” тушунчаси тўғрисида бир қатор рус олимлари ўзларининг илмий асарларида тўхталиб ўтиб, улар мазкур тушунчага деярли бир-бирига яқин таърифлар беришган. Масалан, айрим манбаларда, маъмурий жавобгарлик – бу юридик жавобгарликнинг алоҳида кўриниши бўлиб, у маъмурий мажбурият чораси ҳисобланади¹ дейилган бўлса, бошқа илмий адабиётларда маъмурий жавобгарлик – юридик жавобгарликнинг бир кўриниши сифатида шахснинг шаъни ва қадр-қиммати, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига, уларнинг соғлиғига, жамоат муҳофазаси ва тартибига, атроф-муҳит муҳофазасига, давлат бошқарувини амалга оширишнинг ўрнатилган тартибига, мулкчиликка тажовуз қиладиган

¹Бахрах Д. Н., Россинский Б. В., Старилов Ю. Н. // Административное право: Учебник для вузов. – 3-е изд., пересмотр, и доп. – М.: Норма, 2007. – С. 569

ҳуқуқбузарликнинг ҳуқуқий оқибатидир² деб кўрсатиб ўтилган.

Маълумот учун: Маъмурий судлар – давлат бошқаруви органлари, мансабдор шахслар билан фуқаролар ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий низоларни ҳал этиш учун ташкил этилган махсус судлар. XX аср бошларида маъмурий низоларни ҳал этишнинг икки тизим вужудга келган. Биринчи тизимнинг моҳияти шундаки, оммавий ҳуқуққа оид барча масалаларни ҳал этиш умумий судлар ваколатига киритилган эди (Умумий адлия тизими). Иккинчи тизимга кўра, оммавий ҳуқуқ масалалари бошқарув органлари тизимида ташкил этилган махсус маъмурий-судлов хайъатлари (Маъмурий судлар) томонидан ҳал этилади (Махсус маъмурий суд тизими). Ушбу икки тизим асосида кўп давлатларда маъмурий судлар ташкил этилган. Масалан, Буюк Британия, АҚШ, Австралия, Янги Зеландия, Ҳиндистон, Канада, Швейцария, Дания, Норвегия, Белгияда маъмурий судлов ишларини умумий судлар амалга оширса, Франция, Испания, Португалия, Германия, Италия, Австрия, Люксембург, Финляндия, Швеция, Греция, Болгария, Чехия каби давлатларда махсус маъмурий судлар ташкил этилган³.

Ҳуқуқшунос олимлар Н.В.Бровко, М.Б.Смоленский, Ю.А. Соколовларнинг “Административное право” дарслигида “Маъмурий жавобгарлик деганда ваколатли орган ёки мансабдор шахс томонидан қўлланиши мумкин бўлган юридик

²Попов Л.Л., Мигачев Ю.И., Тихомиров С.В.//Административное право России: учебник. - 2-е изд., перераб. и доп. (отв. ред. Попов Л.Л.). - "Проспект", 2010 г. – С.446

³Ўзбекистон юридик энциклопедияси / нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бош., Масъул муҳаррир Н.Тойчиев – Т., Адолат. 2010. - 294 б.

жавобгарликнинг (жиноий, интизомий ва моддий жавобгарлик турлари билан бир қаторда) тури тушунилади” деб таърифланади⁴. Ҳуқуқшунос олим Л.Б. Хван фикрича, маъмурий жавобгарлик - айбдорга нисбатан маъмурий ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган доирада жазо қўлланилиши ёхуд фуқаро ёки мансабдор шахснинг ҳуқуқни бузганлик учун давлат олдидаги жиноий бўлмаган жавобгарлигидир⁵. Бошқа бир қатор адабиётларда маъмурий жавобгарлик тушунчасига деярли бир хилдаги таърифларни учратиш мумкин. Хусусан, кўплаб олимларнинг ишларида “маъмурий жавобгарлик – бу маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан маъмурий-процессуал тартибда маъмурий жазони қўллашдир” деган таърифларни учратиш мумкин⁶.

Маъмурий жавобгарлик тушунчаси амалдаги Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси⁷да ўз аксини топмаганлиги учун унга ягона таъриф бериш анча мушкул вазифа, бироқ

⁴Бровко Н .В ., Смоленский М .Б ., Соколова Ю .А.Б 88 Административное право: Учебник для студентов вузов. – Москва: И К Ц «МарТ», Ростов н/Д: Издательский центр «МарТ», 2003. – 368 с. (Серия «Юридическое образование»)

⁵Хван Л.Б. Адвокат и производство по делам об административных правонарушениях в Республике Узбекистан. Учебное пособие. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. – 160 с.

⁶Қаранг: Д.Н.Вахра, В.В.Россинский, Ю.Н. Стариков Административное право: Учебник для Вузов. – М.: Норма, 2004. 19-б.; Габричидзе В.Н., Чернявский А.Г., Ким-Кимен А.Н. Административное право: Учебник. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. 7-б.

⁷Бундан кейин, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси шартли равишда – ЎЗР МЖТК – кўринишидаги қисқартмада берилди.

юқоридаги илмий-юридик адабиётларда келтирилган таърифлардан келиб чиқиб унга қуйидагича изоҳ бериш мумкин.

Демак, маъмурий жавобгарлик – бу маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслари томонидан маъмурий ҳуқуқ нормаларида белгиланган тартибда маъмурий жазо қўллаш кўринишидаги мажбурлов чорасидир.

Кейинги фикрларимизни маъмурий процессуал судлов тушунчасига таъриф бериш хусусида давом эттираемиз.

И.А.Хамедов, Л.Б.Хван ва И.М.Цайларнинг «Административное право Республики Узбекистан» дарслигида муаллифлар маъмурий процессга таъриф беришар экан, у маъмурий органлар ёки суд томонидан маъмурий ҳуқуқ томонидан ўрнатилган индивидуал-конкрет оммавий тусдаги ишларни ҳал этишга қаратилган фаолият эканини таъкидлашади⁸.

Шу нуқтаи назардан, маъмурий процессуал судлов – бу маъмурий суд ва ваколатли давлат органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг айблилигини аниқлаб, уларга нисбатан маъмурий жазо чораларни белгилашга қаратилган фаолиятдир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни такомиллаштириш

⁸Қаранг: Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан. Общая часть: Учебник: Ун-т мировой экономики и дипломатии, Ташк. гос. юрид. ин-т. – Ташкент: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2012. – С. 403.

борасидаги ғоя ҳамда бугунги кунда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, демократлаштириш, бу соҳада қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш бўйича чораларни назарда тутиш долзарблиги хусусида ўз даврида ҳақли равишда тўхталиб ўтган эди⁹.

Кейинчалик, Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан қабул қилинган 2016 йил 21 октябрь кундаги ПФ-4850-сон ва 2017 йил 21 февраль санасидаги ПФ-4966-сон фармонлари соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштиришнинг ҳамда 2017 йил 1 июнь санасидан эътиборан мамлакатимизда мустақил маъмурий судларнинг ташкил этилганлиги олиб борилаётган изчил ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Шу маънода, бугунги кунда парламент томонидан Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини (кейинги ўринларда ЎЗР. МЖтК деб юритилади) янги таҳрирда тайёрлаш, “Маъмурий тартиб-таомил (процедура)лар тўғрисида” ги қонунини қабул қилишга оид вазифалар ҳамон кун тартибидаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Демак, мазкур соҳага оид қонунчиликни мукамаллаштириш вазифасини замоннинг ўзи бизга кечиктириб бўлмас мавзу сифатида кўндаланг қўймоқда. Шу нуқтаи назардан, қуйидаги кичик

⁹Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” тўғрисидаги маърузаси // Халқ сўзи 2010 йил 13 ноябрь.

илмий изланиш маъмурий судлов қонунчилиги доирасида амалиётда учраётган айрим муаммоли вазиятлар ва бўшлиқлар хусусида бўлиб, унинг мақсади ана шу салбий ҳолатларни бартараф этишга қаратилган.

Хусусан, ЎзР. МЖтКни амалиётда татбиқ қилишнинг самарадорлигини ошириш муаммоси амалиётда учраётган баъзи ноаниқликлар, кодекс моддаларининг ваколатли давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар томонидан нотўғри малакаланиши, суд қарорларининг тез-тез бекор бўлиши сингари бир қатор юридик фактлар билан белгиланади.

Бу муаммолар қуйидагиларда ўз аксини топмоқда:

Биринчидан, амалдаги ЎзР. МЖтКнинг тизимлаштирилган ҳолда эмаслиги, яъни унинг моддий ва процессуал қисмларга ажратилган ҳолда амалиётда татбиқ этилмаётганлиги. Ушбу муаммо ҳуқуқни қўллаш ваколатига эга шахслар томонидан аксарият ҳолларда Кодекс нормаларини амалиётга жорий этиш жараёнида қийинчилик туғдиради. Жумладан, амалдаги ЎзР.МЖтКнинг 1-моддасида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодекс, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ва Вазирлар Кенгашининг қарорлари, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорларидан иборатдир. Ушбу

Кодекс қоидалари мазкур Кодексга киритилмаган қонун ҳужжатларида содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларга ҳам тааллуқлидир, деб мустаҳкамланган. Бу модда ўз навбатида, қонунларни ҳар хил тушуниш сингари салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Иккинчидан, амалдаги ЎзР.МЖтКнинг 21-моддасида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, суд ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиши мумкинлиги ҳамда агар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи бошқа орган (мансабдор шахс) содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги ҳақида хулосага келса, иш ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун ушбу Кодекснинг 308¹-моддасида белгиланган тартибда судга юбориши лозимлиги белгиланган. Лекин, суд томонидан айнан қайси конкрет ҳолатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қилмишнинг кам аҳамиятли эканлигини билдириши масаласи очиқ қолган. Бошқача қилиб айтганда, бу судлар томонидан исталган ҳуқуқбузар огоҳлантирилиб маъмурий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлигига ишора қилмоқда. Ўз-ўзидан равшанки, бу каби нормалар амалиётда кўпинча коррупцион омилларга сабаб бўлади. Унинг ЎзР.МЖтКда мавжудлиги фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг жиддий бузилишига олиб келиши мумкин.

Учинчидан, жорий ЎзР. МЖтКда маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишлар биринчи инстанция судларида кўрилиб қарор чиқарилганидан кейин, қонунда белгиланган муддатда қарор устидан

манфаатдор томонлар шикоят ёхуд прокурор протест билдирганидан сўнг, иш қандай тартибда кўрилиши чегараси аниқ белгиланмаган.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 28-моддасида апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган шикоят ва протестлар бўйича ишларни кўриб чиқиб, ажрим чиқараши, кассация инстанцияси суди эса, биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган шикоят ва протестлар бўйича ишларни кўриб чиқиб, ажрим чиқариши аниқ кўрсатиб ўтилган.

Тўртинчидан, жорий ЎзР.МЖтК 316-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шу қарорнинг нусхасини олган кундан бошлаб ўн кун ичида шикоят берилиши мумкинлиги ҳамда мазкур муддат узрли сабаблар билан ўтказилиб юборилган тақдирда, бу муддат шикоятни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан қайта тикланиши мумкинлиги назарда тутилган бўлсада, агар мазкур муддат узрли сабабларсиз ўтказиб юборилган тақдирда, қандай тартибда иш юритиш лозимлиги, маъмурий иш судда кўрилиш ёки кўрилмаслиги масаласи мавҳум бўлиб қолган.

Бешинчидан, амалдаги ЎзР.МЖтКнинг 343-моддасида муайян муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан ёки ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиши ва намунали хулқ-атвори билан ўзини кўрсатган тақдирда, унга жазо қўллаган маъмурий ишлар бўйича судья белгиланган муддатнинг камида ярми ўтгач, корхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти илтимоси

билан бундай ҳуқуқдан маҳрум этиш муддатини қисқартириши мумкин, деб белгиланган. Бизнингча, бу тўғри эмас. Боиси қонун маъмурий жазо қўллаган маъмурий ишлар бўйича судьянинг вафот этиши, лавозимидан озод этилиши, меҳнат таътили ёхуд касаллиги туфайли вақтинча таътилга чиқиши, муайян бир ҳудуддаги судьянинг бошқа бир ҳудуддаги судда вақтинча иш юритиши масалаларини инобатга олмаган. Натижада бу - фуқароларнинг ҳуқуқлари чекланишига олиб келмоқда.

Бундан ташқари, ЎзР.МЖтКнинг 343-моддаси муайян муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан ёки ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиши ва намунали хулқ-атвори билан ўзини кўрсатган тақдирда, унга жазо қўллаган маъмурий ишлар бўйича судья белгиланган муддатнинг камида ярми ўтгач, корхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти илтимоси билан бундай ҳуқуқдан маҳрум этиш муддатини қисқартириши мумкин, деб белгиланган. Аммо, агарда муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган шахс ўзининг уй-хўжалиги ёхуд томорқасида ишлаб, даромад топаётган бўлиб вақтинча ишсиз юрган бўлса, унда бу ҳолатда қандай йўл тутилиши керак деган масала қонун доирасида очиқ қолган ва бу амалиётда судьялар томонидан англашилмовчиликларга сабаб бўлмоқда. Чунки Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 57-моддасида “унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш ҳар кимнинг мутлақ ҳуқуқидир. Ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслик жавобгарликка тортиш учун асос бўлолмайди”, деб мустаҳкамланганлигини инобатга олсак, ишлаш ёки ишламаслик бу ҳар бир шахснинг ихтиёрий мутлақ

ҳуқуқидир, деган хулосага келинади. Юқоридаги ЎзР.МЖтКнинг 343-моддаси эса бу ҳуқуқнинг амал қилишини маълум маънода чеклаб қўйган.

Фикримизча, юқоридаги муаммоларни бартараф этиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақбул бўлади, таклифларимиз янада тушунарлироқ бўлиши учун уларни қиёсий жадвал кўринишида беришни маъқул кўрдик:

Муаллиф томонидан илгари сурилаётган Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарлик процессуал кодекси лойиҳасига киритилиши лозим бўлган ўзгартиш ёки қўшимчаларнинг қиёсий жадвали

Т/Р	Ўзгартириш ёки қўшимча киритилаётган модданинг амалдаги таҳрири	Ўзгартириш ёки қўшимча киритилаётган модданинг янги таҳрири ёхуд таклиф	Киритилаётган ўзгартириш ёки қўшимчанинг асоси ҳамда амалий аҳамитяи
1.	<p>ТЎЛДИРИЛМОҚДА</p>	<p>ЎЗР.МЖтКнинг 21-моддаси 2-қисми ва 3-қисми</p> <p>Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қилмиш қуйидаги ҳолатларда кам аҳамиятли деб топилади:</p> <p>1) ушбу кодекснинг 31-моддасида назарда тутилган маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар оқибатида содир этилган бўлса;</p> <p>2) ҳуқуқбузарлик жабрланувчининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари таъсирида содир этилган бўлса;</p> <p>3) маъмурий ишнинг судда мазмунан кўриш босқичида жабрланувчининг ҳуқуқбузарга нисбатан даъвоси бўлмаса;</p> <p>4) суд содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликни кам аҳамиятли деган хулосага келган бошқа</p>	<p>Юқоридаги модданинг тўлдирилиши маъмурий ишларни судларда юритиш амалиётида коррупцион омилларни бартараф этиш имконини беради.</p>

		<p>ҳолатларда.</p> <p>Мазкур модданинг иккинчи қисмида белгиланган ҳолатлар тегишли тартибда маъмурий иш юзасидан чиқариладиган қарорда кўрсатилиши шарт.</p>	
2.	ТЎЛДИРИЛМОҚДА	<p>ЎзР.МЖтК 316-моддасининг 2-қисми</p> <p>Агар мазкур модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддат узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда шикоятнинг қабул қилиниши рад этилади.</p>	<p>Судлар томонидан шикоят муддати ўтказиб юборилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қайта кўрилишини чеклаб, ортиқча вақт сарфланишининг олинган олиши мумкин.</p>
3.	<p>ЎзР.МЖтКнинг 343-моддаси</p> <p>Муайян муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан ёки ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиши ва намунали хулқ-атвори билан ўзини кўрсатган тақдирда, <u>унга жазо қўллаган маъмурий ишлар бўйича туман (шаҳар) судья</u> белгиланган муддатнинг камида ярми ўтгач, корхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти илтимоси билан бундай ҳуқуқдан маҳрум этиш муддатини қисқартириши</p>	<p>ЎзР.МЖтКнинг 343-моддаси</p> <p>Муайян муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан ёки ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиши ва намунали хулқ-атвори билан ўзини кўрсатган тақдирда, <u>унга жазо қўллаган маъмурий ишлар бўйича туман (шаҳар) суди</u> белгиланган муддатнинг камида ярми ўтгач, корхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти илтимоси билан бундай ҳуқуқдан маҳрум этиш муддатини қисқартириши мумкин.</p>	<p>Мазкур ўзгартириш маъмурий жазо қўллаган маъмурий ишлар бўйича судьянинг вафот этиши, лавозимидан озод этилиши, меҳнат таътили ёхуд касаллиги туфайли вақтинча таътилга чиқиши, муайян бир ҳудуддаги судьянинг бошқа бир ҳудуддаги судда вақтинча иш юритиши масалаларини инобатга олиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари- ни тўлиқ кафолатлайди.</p>

	мумкин.		
4.	ТЎЛДИРИЛМОҚДА	<p>ЎзР.МЖТКнинг 343-моддаси 2-қисми</p> <p>Муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган шахс вақтинча ишсиз бўлиб, башарти жамоат ишларида намунали хулқ-атвори билан ўзини кўрсатган тақдирда, унга жазо қўллаган маъмурий ишлар бўйича суд белгиланган муддатнинг камида ярми ўтгач, ўзи истиқомат қилувчи фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи маъмурияти илтимоси билан бундай ҳуқуқдан маҳрум этиш муддатини қисқартириши мумкин.</p>	<p>Биринчидан, ишлаш ёки ишламаслик бу ҳар бир шахснинг ихтиёрий мутлақ ҳуқуқи бўлиб, мазкур қўшимча ушбу ҳуқуқнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.</p> <p>Иккинчидан, давлатимиз фуқаролик жамиятини қуриш мақсадини қўйган экан, ўз навбатида, бунинг институти сифатида эътироф этилган жойлардаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ваколатларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.</p>